O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 18-fevral • Payshanba • 21 (30.141) • (Tel. Faks) 233-21-43 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
www.uzbekistonovozi.uz

**ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти**

## Сафимиз мустаҳкамланаяпти

ёки кейинги пайтда партияга сиёсий фаол ёшларнинг тобора кўпроқ кириб келаётгани ҳақида

**Яқинда Жиззах шаҳар партия кенгаши Жиззах давлат педагогика институти талабаси Анвар Каримовдан ЎзХДП сафига қабул қилиш сўралган ариза олди.**

У ўзининг бу қарорини шундай изоҳлади: «Мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар сўнгги йилларда анча жонланди. Сиёсий курашлар кучаймоқда. Лекин мен сиёсий партиялар орасидан ХДПни танладим. Биласизми, нега? Бу партиянинг ғоялари менга маъқул бўлди. У ёш авлодни тарбиялаётган ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари ва аҳолининг ёрдамга муҳтож қатлами манфаатини кўзлайди. Шуни назарда тутган ҳолда, менинг ҳам ўрним айнан шу партия сафида эканини англаб етдим».

Анварни сафимизга қабул қилдик. Бугун у энг фаол аъзомиз сифатида ёшлар ўртасида дастурий ғояларимиз, мақсад ҳамда вазифаларимизни тарғиб этишда, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини шакллантиришда бизга яқиндан ёрдам бераяпти.

Сўнгги пайтларда партиямиз аъзолари сафи сиёсий онги, ҳуқуқий саводхонлиги билан тенгдошларидан ажралиб турадиган, маънавий етук ёшлар ҳисобига кенгайиб бораяпти. Биргина ўтган йилнинг декабрь ойида партияга қабул қилинган 40 нафар янги аъзонинг 24 нафарини, январь ойида эса 42 нафардан 29 нафарини ёшлар ташкил этгани ҳам партиямиз сафининг тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир.

«Истиқбол» ёшлар қаноти, унинг туман ва шаҳар бўлимлари, жойлардаги кўп сонли фаоллари партияга билимли, ғайратли ёшлар кўпроқ кириб келишига замин яратмоқда. ХДП ёш тарафдорларининг партия атрофига бирлашиши ёшлар орасидан бўлғуси етакчиларни аниқлаб, келгусида уларни партия ташкилотларида ишлашга, депутатликка номзодликка тайёрлашга имкон туғдирмоқда. Шунингдек, ёшлар дуч келаётган муаммоларни ҳал этишда Жамоатчилик қабулхоналари билан ҳамкорликни кучайтириш, лозим бўлса, ёшлар қанотлари қошидаги ҳуқуқий клиникалар, ижтимоий-психологик маслаҳатлар, сиёсий клублар ишини такомиллаштириш вазифасини ҳам зиммамизга олганмиз.

Партиямиз ёшларни ўзининг электорати, суянадиган, таянадиган қатлами, деб билади. Шундан келиб чиқиб, Баркамол авлод йилида тенгдошлар билан ишлашни кучайтириш, улар ҳисобига сафимизни янада кенгайтириш бизнинг эзгу мақсадимиздир.

**Шаҳноза ТАНГРИЕВА, ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси.**

## Депутатлар учун ўқувлар




Халқ демократик партияси Тошкент вилоят Кенгаши маҳаллий вакиллик органларига янги сайланган депутатларнинг ўқувларини ташкил этмоқда. Яқинда халқ депутатлари Ўртачирчиқ туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзолари учун шундай машғулот бўлиб ўтди.

— Халқ катта ишонч ва умид билан бизга овоз берди, — деди туман партия кенгаши раиси Фурқат Абдужабборов. — Партия ташкилотимиз кўрсатган номзодлардан 15 нафари халқ депутатлари туман Кенгашига сайланди. Кенгашнинг биринчи сессиясида тўртта доимий комиссия раислигига партиямиз вакиллари муносиб кўрилди. Туманимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электоратимиз манфаатлари билан боғлиқ ташаббусларни амалга ошириш борасида катта кучга эга бўлдик. Энди ҳамма гап ундан қандай фойдаланишда.

Машғулот давомида депутатлик гуруҳи ва доимий комиссияларнинг ишини режалаштириш, Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қўйилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирларни изчил олиб бориш, қонунлар ижросини ўрганиш, долзарб масалалар бўйича депутатлик сўровларини юборишнинг аҳамияти, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни ўйлантираётган муаммолар юзасидан сессиялар кун тартибига масалалар киритишнинг қонуний асослари бўйича фикрлашиб олинди.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ёш ҳуқуқшунослар танлови



2

Ишонч ва масъулият



3

Бир парча нур, бир парча хаёл



4

*2010 йилда темир йўл коммуникацияларини модернизация қилиш учун 105 миллион доллардан кўпроқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган.*



**2005 йил 11 август куни** Аброл Мансуров юракда биринчи операциясини ўтказди. Мазкур воқеа ўзбек тиббиёти тарихида ўзига хос саҳифа очди.

2-бет

**САВОЛ?** ***— Бугунги куннинг депутати қандай бўлиши керак, ундан нималар талаб этилмоқда?***



**Дилбархон ХОЛИҚОВА, *Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.***

**ЖАВОБ!** — Мен ушбу саволга Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида илгари сурилган ғоялар, танқидий-таҳлилий мулоҳазалардан келиб чиқиб жавоб қайтариш мақсадга мувофиқ, деб биламан.

Қонунчилик палатаси депутати, аввало, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар тақдирига бевосита жавобгар шахс, сиёсатчи бўлиши керак. Сиёсатчи деганда, менинг назаримда, ҳар томонлама етук, келажакни кўра оладиган, бутунжаҳон миқёсида фикр юритиш қобилияти, салоҳиятига эга, кенг қамровли мутахассис тушунилади.

Биз давлат ҳокимияти ва халқни бир-бири билан чамбарчас боғлаб турувчи риштамиз. Шундай экан, бизни вакил қилиб юборган кишиларнинг ҳаётини фаровонлаштириш, турмушини енгиллаштиришга хизмат қиладиган қонунлар қабул қилиш ташаббускори бўлишимиз талаб этилади.

Сайловчилар билан тизимли ишлаш, уларнинг хоҳиш-иродасини чуқур ўрганиш, ҳар томонлама ҳисобга олиш, партиямиз дастурий мақсадларини амалга ошириш, электоратимиз манфаатларини таъминлаш учун изчил ва қатъий курашмаган депутат ишончни оқлай олмайди.

## Табриклаймиз!




Пойтахтимиздаги «Универсал» спорт саройида бадиий гимнастика бўйича ўтаётган XI Осиё чемпионатидан хушхабар олдик.

Икки кун давом этган баҳслар якунида ҳамюртларимиз Азиза Мамажонова, Сарвина Холиқова ва Ҳусниябону Ғуломова тўртта предметда бажарилган машқлар бўйича жамоа ҳисобида энг юқори натижани қайд этиб, олтин медалларга сазовор бўлишди!

4-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

### 18 февралга доир об-ҳаво маълумоти



**Дунё бўйлаб**

| | | |
|---|---|---|
| Лондон | — | 7°C |
| Париж | — | 6°C |
| Москва | — | -9°C |
| Мадрид | — | 9°C |
| Пекин | — | 4°C |
| Гонконг | — | 5°C |
| Рим | — | 14°C |
| Анқара | — | 15°C |
| Токио | — | 9°C |
| Стокгольм | — | -4°C |
| Кейптаун | — | 25°C |
| Қоҳира | — | 15°C |
| Гавана | — | 18°C |
| Вашингтон | — | 5°C |
| Нью-йорк | — | 6°C |



**Юртимизда**

| | | |
|---|---|---|
| Тошкент | — | 5°C |
| Самарқанд | — | 8°C |
| Нукус | — | 3°C |
| Қарши | — | 9°C |
| Урганч | — | 4°C |
| Навоий | — | 3°C |
| Фарғона | — | 6°C |
| Бухоро | — | 4°C |
| Андижон | — | 6°C |
| Наманган | — | 6°C |
| Термиз | — | 10°C |
| Жиззах | — | 7°C |
| Сирдарё | — | 7°C |
| Тошкент вил. | — | 5°C |

Мyносабат

# Янги давр, янги вазифалар

Сиёсий партия ва унинг ҳудудий кенгашлари фаолиятининг асосий вазифаси электорат билан ишлаш, унинг манфаатларини ҳимоялашдир. Бу борада мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усулларидан, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш, партиявий нашрларни партияларaро қизғин баҳс-мунозаралар минбарига айлантириш зарур», деб алоҳида таъкидлади. Бундан биз тегишли хулоса чиқариб олишимиз керак.

Сиёсий партия мамлакат ҳаётида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши, ўз сиёсий мақомини аниқ тасаввур этиши, жамиятда тутган ўрни, мақсад ва вазифаларига мос амалий фаолияти билан белгиланади. Шу билан бирга, жамиятда мавжуд муаммоларни доимий равишда ўрганиб, унга ўз муносабатини билдириши, электоратни ўйлантираётган масалаларга тегишли ҳокимликлар, масъул раҳбарлар, мутасадди идоралар, жамоатчилик эътиборини қаратиши, масаланинг ечимини топишга амалий кўмак бериши муҳим аҳамиятга эга. Сайловлар даврида зиммасига олган масалаларни ҳал этиш учун қатъият билан иш олиб бориши зарур. Акс ҳолда, сиёсий партия одамларнинг эътиборидан тушиб қолади. Таъсири, тарафдорлари кам бўлади.

Тан олиш керак, партия ташкилотларимизнинг бугунги фаолияти талаб даражасида деб бўлмайди. Бизнинг туманда ҳам партия электоратини ташвишга солаётган муаммолар бор. Туман партия ташкилоти ўтган йиллар давомида уларни комплекс ҳал этиш юзасидан бирор-бир жўяли ташаббус билан чиқмади. Аслида ижтимоий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган махсус дастур ишлаб чиқиш ва уни муҳокама учун халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси кун тартибига киритиш мумкин эди. Афсуски, бор имкониятларнинг кўпини бой бердик.

Тажриба кўрсатмоқдаки, жойларда юзага келаётган масалаларни ҳал этиш, самарали ечимини топишда маҳаллий Кенгашларнинг алоҳида ўрни бўлиши керак. Шундай экан, маҳаллий партия ташкилотлари, БПТ ҳамда туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатларимиз мустаҳкам алоқада фаолият кўрсатиб, тегишли масалаларни сессиялар кун тартибига киритишлари бугун қатъий талаб этилмоқда. Бундан ташқари, электорат билан ишлашнинг замонавий усуллари, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан самарали фойдаланмасдан туриб, мақсадга эриша олмаслигимизни ҳам чуқур англаб етишимиз зарур. Яқинда бўлиб ўтган сайловлар натижаларига кўра, халқ депутатлари Чироқчи туман Кенгашига партиямиздан 14 нафар депутат сайланди. Бу билан халқимиз, сайловчилар ва электоратимиз бизга яна бир имконият берди. Демак, хатолардан хулоса чиқариш, бизни қўллаб-қувватлаган кишилар манфаатлари учун курашни кучайтиришимиз зарур. Фақат амалий ишлар, ҳаётий ташаббуслар билан ишончни оқлаш мумкин.

**Шоназар ЖОВЛИЕВ,**
**ЎзХДП Чироқчи туман кенгаши раиси.**

# Ёш ҳуқуқшунослар танлови



**Суратда:** *беллашувдан лавҳа.*
**Зиёдулла НОРМУРОДОВ олган сурат.**

Мамлакатимизда ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга катта эътибор берилмоқда. Яқинда Баркамол авлод йилига бағишлаб Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази танлов ташкил этди. Унда академик лицей ва коллеж ўқувчиларининг инсон ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя қилиш борасидаги билими синовдан ўтказилди.

Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицейда ўтган ёш ҳуқуқшуносларнинг якуний беллашуви эсда қоларли бўлди.

Танловда ўқувчилар инсон ҳуқуқлари бўйича кўплаб шартлар бўйича беллашди. Бунда улар нафақат ҳуқуқий билимини, балки қабул қилинган қонунлар ҳақидаги тушунчаларини ҳам намойиш этишди.

— Бундай кўрик-танловлар ўқувчиларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини англаб етишишига хизмат қилади, — дейди ТДЮИ қошидаги академик лицей кафедра мудири, тарих фанлари номзоди Меҳринисо Шомуродова. — Ўз ҳуқуқ ва бурчларини билган ўқувчи жамиятда ўз ўрнини эгаллашга интилади.

Танлов ғолиблари муносиб тақдирландилар.

**Шоира БЎРИБОЕВА**

Келажаги буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади!



*Аброл МАНСУРОВ — 1963 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Восит Воҳидов номидаги республика жарроҳлик илмий маркази юрак ишемик касалликлари бўлими раҳбари. 1993 йилда номзодлик, 2004 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. У 2007 йилда республикада “Йилнинг энг яхши врачи” деб эътироф этилган. Новосибирскда, Туркиянинг Анқара ҳамда Бельгиянинг Льювен университетида Европа кардиохирурглари жамияти президенти Пол Сержант раҳбарлигида юрак томир жарроҳлиги бўйича малака оширган. 2009 йилда жаҳон кардиожарроҳларининг Прагада бўлиб ўтган халқаро анжуманида маъруза қилган. 150 га яқин илмий ишлар муаллифи.*



# ЮРАК БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

***Мамлакат қудрати қайси омилларда намоён бўлади? Аввало, фуқароларининг тани соғлигида, хотиржамлигида. Дунёга соғлом нигоҳ билан қарашида. Атрофдаги воқеа-ҳодисалар ҳақида мустақил фикрга эга бўлишида. Салоҳиятида. Интеллектида.***

Миллат саломатлигини сақлаш, бунинг учун мавжуд барча имкониятларни тўла ишга солиш мамлакатимизда ҳамиша энг муҳим, таъбир жоиз бўлса бош масала бўлиб келган. Тарихнинг гувоҳлик беришича, ота-боболаримиз қадим замонлардаёқ ўз насл-насабининг тоза ва соғлом бўлишига катта эътибор қаратган. Бу бежиз эмас эди. Чунки фақат соғлом одамгина соғлом фикр юритади. Ватан тақдирига бефарқ қарамайди.

Бундай эзгу қараш қон-қонимизга сингиб кетган бўлса-да, баъзан бефарқлигимиз, лоқайдлигимиз туфайли бебаҳо бойлик — соғлиғимизнинг қадрига етмаймиз. Аслида ҳар биримиз турмуш ташвишлари қаторида ўз соғлиғимиз ҳақида ҳам қайғуришимиз, бу муҳим масала учун вақт ажратишимиз керак бўлса-да, эътиборсизлик қиламиз. Яна ишга, ҳаёт ташвишларига шўнғиб кетамиз.

...Юрак ишемик касаллиги бугунги кунда бутун дунёда кенг тарқалган, инсон ҳаёти учун ўта хавфли хасталиклардан бири ҳисобланади. Бу касаллик айниқса 40 ёшдан ўтганларда кўп учрайди. Статистик маълумотларда қайд этилишича, жаҳон бўйича тахминан 50 фоиз инсон айнан юрак хасталикларидан, қолгани эса бошқа касалликлардан вафот этади.

Юрак ишемик касаллиги — бу юракдаги қон таъминоти бузилиши, яъни юракка туташувчи қон томирларининг ёпилиб қолишидир. Бу хасталикка чалинганларни юрак оғриғи тез-тез безовта қилади. Замонавий тиббиётда ушбу тоифа беморларни даволашнинг уч хил усули, яъни тиббий дори-дармон, махсус аппаратлар ёрдамида қон томирларига стент ўрнатиш ёки жарроҳлик амалиёти мавжуд.

Шу ўринда Ўзбекистонда юрак жарроҳлиги босиб ўтган йўлга бир назар ташласак. Мамлакатимизда юрак жарроҳлигига илк асос солган инсон — академик Восит Воҳидовдир. Олим орттирилган юрак пороkларини операция қилган. Шунингдек, мамлакатимизда биринчи бўлиб юрак, ўпка, қон томирлар ва қизилўнгачда операциялар ўтказган.

Юрак ишемик касаллиги бўйича мураккаб операция республикамизда илк бор 1989 йили амалга оширилган. Кейинчалик олимлардан Эсон Каримов ва Одилбек Воҳидовлар ҳам шундай хасталик билан оғриган беморларда йигирмадан зиёд операция қилган. Минг афсуски ҳар иккала истеъдодли жарроҳ ҳаётдан барвақт кўз юмушган. Кейинчилик Фазлиддин Баҳриддинов ҳам тўқсонга яқин шундай операцияни амалга оширган. Аммо бу ҳаракатлар турли сабабларга кўра ривожлантирилмасдан қолиб кетди.

Ушбу йўналишда қўлга киритилган ютуқлар билан бирга ечимини кутаётган масалалар, муаммолар ҳам кам эмасди. Кардиохирургларимиз олдида эса уларни бартараф этиш, жаҳон тиббиёти ютуқларидан орқада қолмасликдай қийин юмуш кўндаланг турарди.

2005 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги юрак касалликлари операциясини яна йўлга қўйиш, шу мақсадда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ишига алоҳида эътибор қаратди. Бу борада жаҳон тажрибасини ўрганиш, етакчи давлатлар кардиожарроҳлари билан ҳамкорлик ўрнатиш масаласи кун тартибига қўйилди.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги кунда дунё миқёсида ҳар миллион киши бошига тахминан мингта юрак жарроҳлиги операцияси тўғри келаркан. Ўз-ўзидан, бизда ҳам бундай операцияларга эҳтиёж юқори. Ана шу операциялар ўзимизда қилинмаса, беморлар хорижга боришга мажбур бўлади. Бундай операциянинг нархи эса ўртача 10 минг АҚШ долларини ташкил этади. Бу масаланинг бир томони. Оворагарчилик, ортиқча сарсонгарчиликларни айтмайсизми?

**2005 йил 11 августда Аброл Мансуров юракда биринчи жарроҳлик амалиётини ўтказди.** Мазкур воқеа, ўзбек тиббиёти тарихида ўзига хос саҳифа, халқимиз саломатлигини сақлашда ташланган ўта муҳим қадам, оламшумул ютуқ эди. Ватанпарвар, юраги ва қалби тоза, ўзгалар учун фидо бўлиб яшашни ҳаёт мазмунига, эътиқодига айлантирган одамгина мана шундай жасоратга қўл ура олади.

Республика хирургия марказида қайта йўлга қўйилган, замон талабига кўра такомиллаштирилган мазкур амалиётдан кўзланган мақсад аҳолини юрак инфаркти, стенокардия каби кўп ҳолларда ўлим билан туговчи касалликлардан сақлаш, уларнинг олдини олишдир.

Шу йили марказда 20 та юрак ишемик касаллиги бўйича операция қилинган бўлса, 2009 йилга келиб 120 дан ортиқ амалиёт ўтказилди. Умумий юрак операциялари сони эса мингтага яқинлашди. Европадаги кўп йиллик тажрибага эга машҳур юрак жарроҳлиги марказларида ҳам йилига мингта операция қилинади. Бу эса Ўзбекистон тиббиёти Европа даражасига етиб олганидан далолатдир.

Юрак жарроҳлигигача бўлган даврда ўтказиладиган амалиёт — қон томирларига стент қўйиш жараёни ҳам кўпчиликни қизиқтириши табиий. Тиббиёт тили билан айтганда, юрак томирларида торайиш жараёни 70 фоиздан юқори бўлса, стент қўйилади. Сон томиридан махсус катетерлар билан кирилиб, томир торайган жойларга борилади ва ўша ерга стент — пўлат пружина ўрнатилади. Шундан сўнг томирнинг торайган жойи кенгайиб, танадаги қон таъминоти изига тушади.

Баъзи ҳолларда бекилиб қолган қон томирини очишнинг иложи бўлмайди. Беморни операция қилишга тўғри келади. Бунда, унинг оёғидан, тўшининг орқасидан томир олиб, бекилган жой айланиб ўтилади ва аортадан тўғридан-тўғри юрак қон томирига томир уланади.

Юракда ўтказиладиган бундай амалиёт ўта нозик микрохирургик операция бўлиб, тўрт баравар катталаштириб кўрсатадиган лупа остида бажарилади. Торайган юрак қон томирлари ўрнига қўйиладиган томирларни улайдиган жой анастамоз дейилади. Унинг энг катта жойи 4-5 мм.ни ташкил этади. Ўша жойга камида ўнта чок қўйиш керак.

Қуйидаги маълумотга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Россиялик жарроҳ Князев 2001 — 2008 йиллар давомида 200 та операция қилган бўлса, шундан 37 таси муваффақиятсиз якунланган — беморлар ҳаётдан кўз юмган. Биринчи йили 38, иккинчи йили 25 фоиз бемор вафот этган. Олим бу рақамни 7 йилда 11 фоизга тушира олган. **Аброл Мансуров бошчилигидаги ўзбекистонлик юрак жарроҳлари бу кўрсаткични 5 йилда 14 фоиздан 5-6 фоизга туширишга муваффақ бўлишди.**

> Ҳозирги шиддатли замонда интеллектуал ва маънавий бойликка эга бўлган халқ ва миллат ҳақли равишда бугунги ва эртанги кунга эгалик қила олади. Давр бугун бизнинг олдимизга қўяётган талабларга жавоб беришга қодир бўлиб яшаш, мураккаб муаммоларни ўз вақтида ва оқилона ечиш учун, албатта, замонавий билим ва тафаккур зарур.
>
> **Ислом КАРИМОВ**

Савол туғилади: юрак қон томирларига янгидан уланган томир танага мослашиб кетадими? Томирлар уланаётган вақтда юрак тўхтатиб қўйиладими? Бу кўпчиликни қизиқтириши табиий. Томирлар тананинг бошқа жойларидан олингани учун касаллар ўзларига нисбатан эътиборли бўлсагина уланган томирлар ўн беш йил (98 фоиз) беморга хизмат қилиши исботланган. Торайиб қолган томирларда эса бир йилда беш мартагача бекилиб қолиш эҳтимоли мавжуд. Бу каби операцияларнинг 100 дан 4-5 тасида беморнинг хатоси ёки организмда модда алмашинувининг бузилиши натижасида шифокорга қайта мурожаат қилиши мумкин. Қувонарлиси, марказда шу пайтгача операция қилинган бирорта бемор бунга эҳтиёж сезгани йўқ.

— Баъзан 4-5 тагача томирни уласак, юракни тўхтатиб қўйиб ишлаймиз. Чунки баъзи томирлар юракнинг орқа томонидан ўтади, — дейди олим. — Юракни тўхтатиш учун унинг ўрнига ишлайдиган махсус тиббий асбоб — сунъий қон айлантириш аппарати қўйилади. Унинг ёрдамида бемор танасида қон айланиб туради. Томирлар улаб бўлингач, қон таъминоти меъёрлаштирилгандан кейин бир дақиқа ўтиб юракка қон келади ва у ўз-ўзидан ишлаб кетади. Баъзи беморлар бизга тўхтатилиб қўйилган юрак ишламай қолиши ҳам мумкинми? — дея савол беришади. Бу ҳолат деярли кузатилмаган. Энг муҳими, операциягача бўлган даврда беморлар ҳар куни ўлиб қолиш хавфи билан яшаса, операциядан сўнг улар бундай нохуш ўйлардан батамом қутилади.

Бугун марказда операция қилиш учун яратилган шарт-шароитлар жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб беради. Мутахассисларнинг таъкидлашича, имконият яратилмаган жойда бундай қийин операцияни қилиб бўлмайди.

— Ўтган йили юзта операция ўтказдик. Натижа — 95 фоиз ижобий. Бир замонлар бу кўрсаткич 70 фоизни ташкил этган. **Дунё миқёсида бундай операцияларнинг ижобий кўрсаткичи 95-98 фоиз ҳисобланади.** Чет давлатларда юрак хасталигига чалинган беморлар ўзларига жуда эътиборли. Шифокорлар ҳам ўз ишига масъулият билан қарайди. Мабодо бемор инфаркт бўлса, даволовчи кардиологга нисбатан чора кўрилмоқда. Ачинарлиси, бизнинг марказимизга мурожаат қилаётганлар орасида инфаркт бўлганлари кўпчилик. Аслида эса юракдаги жарроҳлик инфарктнинг олдини олиш учун қилинади, — дейди жарроҳ.

Аброл Мансуров ҳозиргача 500 га яқин мураккаб юрак операциясини амалга оширди. Икки нафар шогирди — Ҳусан Холиқулов, Мурод Аҳмедовлар шу соҳада номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Яна бири ёқлаш арафасида. Шунингдек, у аспирант ва бир нечта тадқиқотчиларга илмий раҳбарлик қилмоқда. Улар ҳам устозлари билан операцияда иштирок этади. Қувонарлиси, ўзлари ҳам мустақил равишда ушбу операцияни қилиш даражасига етиб қолишди. Тиббиёт тили билан айтганда, ҳеч қайси бир касб жарроҳлик каби узоқ ўрганилмаслигини ҳисобга олсак, бу яхши натижадир.

Аброл Мансуров аслида жигар жарроҳлиги бўйича мутахассис. Унинг номзодлик ва докторлик иши айнан шу соҳага бағишланган. Лекин 2005 йилга келиб...

Докторнинг ўз фаолиятини умуман бошқа йўналишга ўзгартириши тиббиётда жуда кам учрайдиган ҳодиса ҳисобланади. Одатда жигар билан шуғулланганлар жигар билан, юрак билан ишлаганлар эса юрак билан охиригача қолади. Аброл Мансуров ўзи учун қийин, лекин миллат саломатлиги учун ғоятда муҳим бўлган йўлни танлади. Мана 5 йилдирки, у юрак билан юзма-юз. Юракка бўлган йўл эса ниҳоятда оғир ва машаққатли, бунда собит қолиш учун фақат матонатнинг ўзи камлик қилади.

— Мамлакатимизда тиббиёт соҳасига, ушбу тизимда фаолият кўрсатаётган ходимларга жуда катта эътибор қилинмоқда. Президентимизнинг мана бу сўзлари ҳам фикримизнинг далилидир: **Инсоннинг бошига дард тушганда биринчилар қаторида ёрдамга келадиган олижаноб касб эгалари бўлмиш шифокорларнинг оғир, ўта мураккаб ва масъулиятли меҳнатини муносиб қадрлаш, уларни моддий ва маънавий нуқтаи назардан рағбатлантириш лозим.**

Менга катта ҳаёт йўлини кўрсатган устозларимдан жуда миннатдорман. Айниқса, илмий раҳбарим, профессор Феруз Назиров ҳамма вақт биз шогирдларини қўллаб-қувватлаб, янги-янги марраларга интилишимда маслаҳат ва кўмак бериб келмоқда, — дейди Аброл Мансуров.

Замон эса ҳамиша олға интилганники, изланганники. Инсоннинг ўз моҳиятини тўла намоён қилишига имкон берадиган туйғу — бу даврдан орқада қолмаслик ва уйғоқликдир. Донишмандлардан бири айтганидек, бефарқлик — қалб ўлимидир.

Хулоса ўрнида Аброл Мансуровнинг мана бу сўзларини келтирмоқчимиз: **«Юрак операцияси, фақат қўл билан эмас, балки юрак билан қилинади».**

**Фаррух ҲАМРОЕВ**



**Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ

ХАЛҚ БАНКИ

«Наврўз» байрамига бағишлаб **«Наврўзи олам» ютуқли омонатини** амалиётга жорий қилди.

**«Наврўзи олам»** омонат турига маблағлар жисмоний шахслар томонидан миллий валютада камида 50 000 (эллик минг) сўм миқдорида нақд ва нақд пулсиз равишда, йиллик 14 фоиз миқдорида даромад тўлаш шарти билан 2010 йилнинг 20 февралидан бошлаб 2010 йилнинг 31 мартига қадар (31 март ҳисобга олинади) қабул қилинади.

Мазкур омонатга фоиз даромади тўланиши билан бирга ютуқлар, тиражи ўтказилиб, тираж якунига кўра ютуқлар тўланади. Ютуқ жамғармаси 5 минг сўмдан 1 млн. сўмгача ва 1 млн. сўм бўлган пул ютуқларидан ташкил топган. «Наврўзи олам» ютуқли омонати бўйича ютуқлар тиражи 2010 йил апрель ойининг иккинчи декадасида ўтказилади.

ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!

АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН !

**Мурожаат учун тел: 150-12-91**
**Хизматлар лицензияланган. Лиц №25. 25.01.2003.**

*Ҳурматли юртдошлар!*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ

ХАЛҚ БАНКИ

Сиз учун жозибали ва манфаатли шартларга асосланган **«Саёҳат-2» ютуқли омонатини** таклиф этади.

Қўҳна Европанинг Франция ва Чехия каби мамлакатлари тарихий шаҳарларига саёҳат қилишни ёки юртимизнинг қадимий ва навқирон гўшалари саналган Бухоро, Самарқанд ва Хива шаҳарларининг тарихий обидаларидан баҳраманд бўлиб завқланишни истайсизми? У ҳолда Сиз маблағларингизни Халқ банкининг **«Саёҳат-2»** номли муддатли ютуқли омонатида сақланг ва омонатларга ҳисобланган фоиз даромадлари билан бирга юқорида қайд этилган йўналишлардан бирига сайёҳлик йўлланмаси соҳиби бўлинг.

**«Саёҳат-2»** ютуқли омонат турига маблағлар жисмоний шахслар томонидан миллий валютада камида 50 000 (эллик минг) сўм миқдорида нақд ва нақд пулсиз равишда, йиллик 14 фоиз даромад тўлаш шарти билан 2010 йилнинг 15 февралидан бошлаб 1 июнига қадар қабул қилинади.

ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ САЁҲАТ!

ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!

**Мурожаат учун тел: 150-12-91**
**Хизматлар лицензияланган. Лиц №25. 25.01.2003.**

*Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!*

**Сурхондарё вилояти Аму — Сурхон Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси**

қуйидаги объектлар бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан

ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Лот 4-1. Қизириқ туманидаги узунлиги 25,167 км бўлган «НК» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.**

***Объектнинг бошланғич нархи:*** қўшилган қиймат солиғисиз — 73,789 млн. сўм, қурилиш муддати — 4 ой.

**Лот 4-2. Музрабод ва Шеробод туманларидаги узунлиги 121,706 км бўлган «К-5» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.**

***Объектнинг бошланғич нархи:*** қўшилган қиймат солиғисиз — 590,527 млн. сўм, қурилиш муддати — 9 ой.

**Лот 4-3. Музрабод ва Шеробод туманларидаги узунлиги 71,597 км бўлган «К-6» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.**

***Объектнинг бошланғич нархи:*** қўшилган қиймат солиғисиз — 343,639 млн. сўм, қурилиш муддати — 7 ой.

***Буюртмачи:*** Сурхондарё вилояти Аму — Сурхон Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.

***Манзили:*** Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 10-уй.

***Тел/факс:*** (8-376) 222-86-38, 223-65-51, 223-67-00.

***Таъмирлаш ва тиклаш ишларини молиялаштириш*** — Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздаврхитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига ***қуйидаги манзил*** бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй,**
***Телефон/факс:*** **(8-376) 222-44-73, 222-44-76.**

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда:

**Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй**да ўтказилади.

Молия муассасаларида

# ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

## *бунёдкорликка ундаяпти, янги иш ўринлари ташкил этишга кўмаклашмоқда*


Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг Андижон вилоят филиалига кираверишда икки ҳамюртимизнинг суҳбати беихтиёр диққатимизни тортди.

— Тўғрисини айтсам, 3-4 ой олдин кредит олгани иккиланиб келгандим, — деди улардан бири. — Мақсадимни билишгач, ёрдам беришди. Сармоя олгач, ишим юришиб кетди. Икки қўшним ҳам ёнимда меҳнат қилишяпти. Яхши ойлик қўлларига текканидан улар ҳам хурсанд. Кредит фоизини вақтида қайтармоқдаман.

Тўғри йўлни танлашимда кўмак берганларга раҳмат айтиб қайтяпман.

— Банк ходимларнинг мижозларга муносабати менга ҳам маъқул бўлди, — дея танишининг гапларини қувватлади иккинчи суҳбатдош. — Улар кўнглингиздаги нияту режаларингиз амалга ошишига сидқидилдан қарашишади. Мен ҳам вақтида ажратилган кредитдан баҳраманд бўлиб, барака топдим.

Суҳбатдошларнинг самимий сўзлари банк филиали фаолиятига бўлган қизиқишимизни янада оширди.

Халқ банки Андижон вилояти филиали кредит бўлимига кирдик, бўлим етакчи мутахассиси Зиёдахон Усмонова ишлаётган хонада барқ уриб ўсаётган турфа гуллар эътиборимизни тортди.

— Мижозларимизнинг ҳам кайфияти кўтаринки бўлишида анвойи гулларнинг ўрни бор, — деди Зиёдахон Усмонова. — Гулларга қараган кишининг дили ёришади. Иши унумли бўлади.

Халқ банки вилоят филиали фаолиятига доир суҳбатимиз қизғин кечди.

Дунёдаги иқтисодий инқироз таъсирини юмшатиш учун давлатимиз раҳбари томонидан пухта дастурий чора-тадбирлар кўрилгани банклар фаолияти барқарорлигини ҳам таъминлашга асос яратди. Чунончи, Халқ банки Андижон вилоят филиали кредит портфели жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 19094,9 миллион сўмни ташкил этди. Ўтган йили банк филиаллари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга берилган кредитлар тармоқлар бўйича қараганда қуйидагича гуруҳланади: савдо 1915,3 млн. сўм, саноат 1733,0 млн. сўм, қишлоқ хўжалиги 6787,8 млн. сўм, қурилиш 1284,6 млн. сўм, бошқалар 7374,2 млн. сўм.

Ҳисобот даври давомида 81 та савдо корхонасига жами 1943,0 миллион сўм миқдорида қисқа муддатли кредитлар ажратилгани уларга иқтисодий мадад берди.

Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган «Қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида»-ги Низом асосида пахта хомашёси ҳамда ғалла етиштириш харажатларини қоплашга 314 та фермер хўжалигига жами 6235,2 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Давлатимиз раҳбарининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан иш билан бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан ўтган йил давомида 280,0 миллион сўм маблағ ажратилди. Банк ўз маблағи ҳисобидан аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида 914 нафар оила соҳибига жами 913,0 миллион сўм миқдорида имтиёзли микрокредит берди. Бу фуқароларнинг чорвачилик билан шуғулланиб, ўз молиявий аҳволини яхшилашига шароит яратди. Чорвачилик ривожланиши, маҳсулотлари кўпайиши билан бир қаторда шахсий секторда ишлаётганларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам ошди.

Тадбиркор аёлларга 1217,4 миллион сўм миқдорида кредитлар берилди. Бу режада кўзда тутилганидан 121,8 миллион сўмга кўпдир. Айни пайтда 1425 нафар ишбилармон аёл банкнинг филиал ва бўлимларида ўз ҳисоб рақамларини очиб фаолият юритаяпти. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан кўплаб уй бекалари касаначилик қилишяпти. Миллий каштачилик, уй-рўзғор буюмлари тайёрлаш қаторида замонавий талаблар даражасидаги кийим-кечаклар ҳам тикилиб, буюртмалар бажариляпти. Иш билан бандлик турмуш фаровонлигига хизмат қиляпти. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда, кўркам либослар тикишда рақобат кучаймоқда. Касаначи опа-сингиллар меҳнати билан сайқал топган маҳсулотлар номдор тикувчилик марказлари чеварлари қўлидан чиққан маҳсулотлардан қолишмаслиги бунинг далилидир.

Кўриниб турибдики, касаначилик кўламининг кенгайишида Халқ банки филиали-ю бўлимларининг иқтисодий мадади натижаси яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Халқ банки Андижон вилоят филиали томонидан 2127,5 миллион сўм кредит ажратилиб, қишлоқ жойлардаги 1485 нафар аҳолини янги иш ўрни билан таъминлашга эришилди.

Халқ банки Асака туман филиали мижози Луиза Нурматовага иссиқхона қуришга ажратилган 28 миллион сўм ҳар хил ноз-неъмат етиштиришига асос бўлди. Иккита иссиқхонада қиш фаслида ҳам бодринг, помидор, турли ошкўклар етиштириляпти. Бундан аҳоли сифатли, бошқа жойдагидан анча арзон маҳсулот харид қилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Асака туманидаги Эргашали Қаюмов бошчилигидаги «Янги обод паррандаси» фермер хўжалигига товуқ боқишни йўлга қўйишга берилган кредит фойда келтирди. 8 та иш ўрни яратилиб, кунига 2200-2400 дона тухум истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Балиқчи туманидаги «Бол» фермер хўжалиги бошлиғи Қўчқорали Каримов 10 миллион сўм кредит ҳисобига асаларичиликни йўлга қўйди. Дастлабки 160 килограмм асал юртдошлари дастурхонига етказилди. «Фозилжон зилол суви» масъулияти чекланган жамиятга минерал сув ишлаб чиқариш учун замонавий дастгоҳ сотиб олиш учун банк филиали томонидан 100,0 миллион сўм кредит ажратилди ва иш олдинга силжиди.

Банкнинг Пахтаобод туманидаги филиали мижози «Ҳамжиҳат ягона қурилиш» хусусий корхонасига асфальт ва бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга берилган кредит самараси кўпчиликка наф келтирди. Бу ерда 18 киши ишли бўлди.

Мамлакатимиз Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлашга банк филиали жамоаси томонидан алоҳида эътибор қаратилган. Аҳоли ва ёш оилаларни ижтимоий қўлаб-қувватлаш мақсадида ўтган йили 1763,8 миллион сўмлик истеъмол, ипотека ва микрокредитлар ажратилди. Бу аҳоли, айниқса, ёш оилалар рўзғорига қут-барака келтириб, хонадонлари файзию жиҳозини оширди.

Халқ банки вилоят филиалию бўлимлари, минибанкларида аҳолининг бўш маблағларини омонатларга жалб этишга жонкуярлик қилиняпти.

— «Мураббий» омонати, «Қиш зийнати» ютуқли омонатига кўпчилик қизиқиб, маблағларини топширяпти, — дейди банк вилоят филиали жамғарма ишларини ривожлантириш ва қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи Сардорбек Мирзаҳакимов. — Баркамол авлод йилида янги «Камолот сари» омонатига ҳам маблағлар жалб этиляпти.

Дарвоқе, 2010 йил бошида омонат маблағлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6 миллиард сўмга кўпайди.

Бу албатта молиявий муассасанинг шаҳар ва туманлардаги 16 та бўлими, 10 та минибанкида мижозлару омонатчилар ўртасидаги ишонч, кафолатнинг мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Халқ банкининг вилоят филиалларида бўлганидек, барча бўлим ва мини банкларида пластик карточкалар орқали муомаланинг амалга оширилиши қулайлик сифатида мижозларга маъқул бўлиб боряпти. Буни ҳозир «электрон ҳамён»лар сони 33 минг 860 тадан ошганидан ҳам билиш мумкин.

— Жамоамиз мижозларга сидқидилдан хизмат кўрсатишга ҳаракат қиляпти, — дейди Халқ банки Андижон вилоят филиали бошлиғи Шохнур Каримов. — Бунинг натижаси режа кўрсаткичларда аниқ акс этяпти. Муҳими — мижозларнинг банкимизга ишончи ортяпти.

Мақсадимиз — мижозлар биздан доимо миннатдор бўлиши учун изчил ишлашдан иборат. Халқ банкида мижоз мурожаати, манфаати ҳамиша эътиборда бўлади. Бундан барчамиз ютамиз.

Бир сўз билан айтганда, Халқ банки Андижон вилоят филиалида иш илдамлашишига барча бирдек масъул экани аёнлашди. Банк вилоят филиали кираверишида эшитганларимиз айни ҳақиқат эканига ишонч яна бир карра ҳосил бўлди. Зеро, барчанинг бирдек интилиши, ишлаши эзгуликка бошлайди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**Алишер РЎЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

t

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

# БИР ПАРЧА НУР, БИР ПАРЧА ХАЁЛ...



## *Қиш тунлари*

*Қиш тунлари жуда узун, уқубатли, зил,*
*Ўхшаб кетар ҳеч туганмас сийқа асарга.*
*Гўё олам олисларда қолгандай буткул,*
*Гўё тушиб кетгандайсан чуқур бир жарга.*

*Узун тунда зерикади набиралар ҳам,*
*Уларга-ку ўйин керак, қизиқтирмас чол.*
*Бир чеккада пайпоқ тўқир кампиринг бегам,*
*Сенга қолар бир парча нур, бир парча хаёл.*

13.02.2010



## *Малак*

*Ғоят ажиб оҳангларга тўлиқдир дунё,*
*Ғоят гўзал хонишлар бор, қўзғатар ҳавас.*
*Барчасини ҳузур билан тингладим, аммо,*
*Биттаси ҳам сўзинг каби мароқли эмас.*

*Кездим санъат кошонаси Луврни узоқ,*
*«Мона Лиза», ҳеч шубҳасиз, маъқулдир менга.*
*Бунақаси ер юзида кам эрур, бироқ,*
*Худо ҳаққи, биттаси ҳам тенг келмас сенга.*

*Мен сўз топиб беролмасман таърифингга мос,*
*Маъзур тутгил, нўноқлигим келмасин малол.*
*Сендайин бир малакнинг-ку танҳолиги рост,*
*Мен каби бир ошуфта ҳам йўқдир, эҳтимол.*

30.01.2010

## *Махтумқули*



*Шоир укам, ўқи, Махтумқулини,*
*Ҳикматга йўғрилган панду насиҳат.*
*Ғанимат демиш у умр йўлини,*
*Ҳа, умр ўткинчи, умр ғанимат.*

*Беписанд боқмагил кўҳна оламга,*
*Ҳали май ичмабсан қисмат қўлидан.*
*Фақат билганингни олгил қаламга,*
*Буни ҳам ўргангил Махтумқулидан.*

14.01.2010



## *Бегона*

*Кўчангдан адашиб ўтсам ногаҳон,*
*Менга ғаним каби ёвқараш қилма.*
*Майли сийламагин мисоли меҳмон,*
*Майли гап қотмагил, назарга илма.*

*Сен учун на япроқ ва на томирман,*
*Янгилик эмасдир ахир бундай ҳол.*
*Ахир мен адашиб ёққан ёмғирман,*
*Ахир мен адашиб эсган бир шамол.*

*Кимдир шерик бўлса гар ҳаётингга,*
*Унинг баҳосини бергайсан шул дам.*
*Ноил бўлолмадим илтифотингга,*
*Мен лойиқ эмасман нафратингга ҳам.*

*Қалбинг дарвозаси беркдир мен учун,*
*Унинг калити бор сенда ягона.*
*Кўчангдан адашиб ўтдим, сен тушун,*
*Кўчангдан адашиб ўтди бегона.*

14.02.2010

**Жиноятга жазо муқаррар**

# Ҳар ойда 100 доллардан «доля»



XX аср охирига келиб одам савдоси инсоният учун асосий хавфлардан бири бўлиб қолди. Одамдан эксплуатация мақсадларида фойдаланиш билан боғлиқ бундай жиноятлар жамиятнинг демократик асосларига путур етказади, миллий хавфсизликка салбий таъсир кўрсатади. Одам савдосига қарши кураш шу жиҳатдан муҳим.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судида одам савдоси билан боғлиқ бир неча жиноий ишлар кўриб чиқилди. Муқаддам судланган, ҳеч жойда ишламайдиган Ш. бировлар «танаси»ни пуллаб, кун кўриш йўлига ўтиб олган эди. У шериги билан қизларни қўшни республикага юбориб, ҳар бири учун 200 АҚШ доллари олган ҳамда уларнинг ойлик тушумидан 100 АҚШ долларида «доля»да турган.

Ш. 2005 йил июнь ойининг бошларида яна бир шериги Р. билан Нукус шаҳридаги Л. исмли қизни қармоққа туширади. Соддагина Л. ҳам уларнинг «ойлигинг 30 минг тенге бўлади», деган гапларига лаққа ишонади. У Ш. томонидан қўшни республиканинг Бейнеу шаҳридаги Р. олдига юборилиб, фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур этилади...

Ш. жиноий ишларини давом эттириб, Нукус шаҳрида яшовчи З.ни қўшни республикадаги «бозор»га юбораётган пайтда ички ишлар бўлими ходимлари томонидан тўхтатилди.

Ислом Хониёзов ҳам ўз элатдошларини: «Қурилиш бўйича иш бор, ҳар ойда 25 минг тенге иш ҳақи тўлайман, озиқ-овқат, ётоқхона ўзимдан», деган ёлғон ваъдалар билан қўшни республикага олиб боради ва алдаб ишлатади. Иш ҳақини эса бермайди. Нукуслик Ўролбой Бойназаровни «Актау шаҳрида қурилиш бўйича иш бор, ҳар ойда 25 минг тенгедан иш ҳақи тўлайман, озиқ-овқат, ётоқхона ўзимдан», деб ишонтиради. Ўролбой Актауга бориб, икки ой давомида ҳар хил қурилишларда ишлади. Лекин маошдан дарак бўлмади. И.Хониёзов фуқаролар Хўжабай Омонбоев, Алексей Омонбоев, Қуролбой Омонбаев, Қўнисбой Бойназаровларни ҳам шу йўсинда алдаб, қул сифатида ишлатиб, бир тийин ҳам тўламаган.

Бахит Ембергенов ҳам ўзича «тадбиркор». Одам топади, олиб боради, қулдай сотиб, пул ишлайди. У бир гуруҳ фуқароларни: «Чимкент шаҳрида ойига 50 минг тенге берадиган қурилишга ишга жойлаштираман, иш ҳақингизни ўзим олиб бераман, ётоқхона, овқат, йўлкирангиз, паспортларингизни вақтинча рўйхатга қўйиш менинг ҳисобимдан бўлади», деб ишонтиради ва паспортларини олиб қўяди. Тайинли иш, яхши пул умидида унга эргашганлар чув тушди. Афсуски, ана шундай виждонсизлар гапига кириб, ўзини абгор этаётганлар бу нарсани тушунмай, улар қўлида қўғирчоқ бўлмоқда.

**Гулнора БОЗОРБОЕВА,**
**Жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар суди раиси**

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

# Малакали мутахассислар тайёрланади

Фарғона вилояти мамлакатимизнинг нефть ва газ саноати ривожланган ҳудудларидан биридир. Соҳани малакали мутахассислар билан таъминлаш ҳамиша муҳим вазифалардан бири бўлиб келган. Шунинг учун ҳам 2004 йилда Олтиариқда нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежи ташкил этилди. Дастлабки йили 450 нафар ўғил-қиз меъморчиликнинг сўнгги ютуқлари асосида лойиҳалаштирилган ғоят гўзал ва кўркам, ўқув машғулотлари учун барча қулайликларга эга янги бинода шуғуллана бошлаган эдилар.



Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.

Ҳозир бу ерда 1238 нафар ёш етти йўналиш бўйича касб-ҳунар ўрганмоқда. Коллежда фан кабинетлари, лабораториялар, амалий машғулотлар ва лингафон хоналари мавжуд. Уларнинг ҳаммаси замонавий ўқув ва тажриба жиҳозлари билан таъминланган. Нефть ва газни қайта ишлаш, нефть технологияси, нефть ва газ қурилмалари каби йўналишда таҳсил олаётган ўқувчилар махсус жиҳозланган, ўқув дастури компьютерлаштирилган хоналарда машғулот ўтказмоқда.

— Бу ерда ёшлар ўзлари танлаган касб бўйича малакали мутахассис бўлиб етишади, — дейди аниқ фанлар кафедраси мудири Мақсудахон Ғиёсова. — Айниқса, нефтни қайта ишлаш корхоналарига энди оддий ишчи эмас, малакали оператор керак. Яъни у компьютер асосида ишлаб чиқаришни ташкил эта олсин. Коллежда айнан шу талаблар инобатга олинган.

Мутахассиснинг касбий савияси у назарий билимини қандай қилиб амалиётда қўллай олишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, нефть маҳсулотлари ва газ таъминоти идоралари билан ўзаро шартнома тузиб, ўқувчиларни касбий тажриба орттириш учун юборишмоқда.

— Менинг ота-онам умр бўйи Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводида меҳнат қилди. Мана, энди мен туманимизда очилган касб-ҳунар коллежида ўқияпман. Мақсадим шу соҳанинг отам каби етук мутахассиси бўлиш, — дейди 3-босқич ўқувчиси Азимжон Комилжонов.

Шуниси қувончлики, коллежда касб-ҳунар ўрганиш билан бирга, маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш, спортнинг бир неча турлари билан шуғулланиш имкони яратилган.

— Яқинда Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом билан учрашув бўлди, — дейди 3-босқич талабаси Сарвар Мухторов. — Ватанимиз равнақи, мамлакат мустақиллиги мавзуидаги ўзимиз ёзган шеърларни ҳам ўқиб бердик.

Фан олимпиадаларида коллеж ўқувчилари мунтазам иштирок этиб келмоқдалар. Инглиз тили, математика, ҳуқуқшунослик ва информатика фанларидан олимпиадада иштирок этган ўқувчилар вилоят ва республика босқичларига йўлланма олдилар.

Мамлакатимизда касб-ҳунар коллежлари тизими янги босқичга кўтарилди. Буни Олтиариқ нефть ва газ саноати коллежи мисолида ҳам кўриш мумкин.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ:** **СПОРТ ↘ СПОРТ**

# Кашфиётлар майдони




Пойтахтимиздаги «Универсал» спорт саройида бадиий гимнастика бўйича XI Осиё чемпионати баҳслари давом этмоқда.

— Спортнинг энг нафис ва гўзал тури — бадиий гимнастика билан шуғулланаётган спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда эришаётган натижалари мухлису мутахассисларни мамнун этмоқда, — дейди Ўзбекистон бадиий гимнастика федерацияси бош котиби Гузаля Филиппова. — Ўтган йили Осиё чемпионатида қизларимиз жамоавий баҳсларда фахрли учинчи ўринни эгаллашганди. Иқтидорли спортчимиз Ульяна Трофимова шахсий биринчиликда бир жуфт бронза медалига сазовор бўлган эди. Эътиборлиси, умидли гимнастикачимиз жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, кучли ўн икки нафар қатнашчи сафидан жой олганди. Агар у келаси йили Қатарда бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионатида ҳам камида шу кўрсаткични қайд этса, 2012 йили Лондонда ўтказиладиган ёзги Олимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритади.

Осиё нафосат маликаларининг ўзига хос маҳорат кўригига айланган мазкур мусобақада ҳам қизларимиз муваффақиятли иштирок этишмоқда.

Осиё чемпионати ғолиб ва совриндорлари шу йилнинг августида Сингапурда илк маротаба ёшлар ўртасида бўладиган Бутунжаҳон ёзги Олимпия ўйинларига йўлланмаларини олишади.

# «Пахтакор» ва «Бунёдкор»нинг янги ўйинчилари

Футбол бўйича янги мавсум бошланишига тобора оз фурсат қолмоқда. Мамлакатимизнинг етакчи жамоалари «Бунёдкор» ва «Пахтакор» футболчилари 23-24 февраль кунлари бошланадиган Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларига киришадилар. Қаршининг «Насаф» вакиллари эса илк маротаба ОФК кубоги учрашувларида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.




Куни кеча «Бунёдкор» ва «Пахтакор» футбол клублари бу йилги мусобақаларда ўз таркибларида майдонга тушадиган янги футболчиларни расман таништирди.

Пойтахтимиздаги «Жар» стадиони анжуманлар залида «Бунёдкор» футбол клуби томонидан уюштирилган тадбирнинг биринчи ва иккинчи қисмларида жамоанинг янги спорт директори Муродилла Алимбаев, футболчилар Анзур Исмоилов, Александр Ковалёв, Денилсон ва Стевица Ристич қатнашди. Дастлаб журналистлар билан учрашувга ҳимоячилар — Исмоилов билан Ковалёв ташриф буюришди. Орадаги суҳбатдан сўнг, улар «Бунёдкор» таркибида тўп сурадиган ўз рақамларига эга бўлишди. Уларга футболкаларни «Бунёдкор» ФК Кузатув кенгаши раиси Таваккал Исмоилов топширди. Анзур Исмоилов «Бунёдкор» жамоасида ҳам ўз жонажон рақамига эга бўлди — №24. Ковалёв эса 31-рақамни олди.

Тақдимот маросимининг иккинчи қисми қаҳрамонларига «Похан Стилерз» сафида 2009 йилги Осиё чемпионлар лигаси ғолиблари — ҳужумчилар Денилсон ва Стевица Ристич айланишди. Улар 11 ва 5-рақамлар соҳиблари бўлдилар.

Маросимнинг якунловчи қисмида бунёдкорчилар бош мураббийи Луиз Фелипе Сколари 2010 йилги футбол мавсуми бошланаётганлиги муносабати билан уюштирилган матбуот анжуманида журналистлар саволларига жавоб берди.

Марказий «Пахтакор» стадионининг анжуманлар залида эса янги футболчилар — Асқар Жадигеров, Муқим Тошматов, Артур Геворкян ва Милорад Янушлар иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Маросимда ўйинчилар саволларга жавоб қайтаришди ва янги либосларига эга бўлишди. 2010 йилги мавсумда пахтакорчилар таркибида Жадигеров 11, Януш 9, Тошматов 15, Геворкян 17-рақам остида майдонда ҳаракат қилади.

— Мени барча самимий тарзда кутиб олди, — деди туркманистонлик легионер Артур Геворкян. — «Шўртан» жамоасида етакчиликни ўз зиммамга олишимга тўғри келарди. Жамоадошларим бу ишни бажаришда менга ёрдам беришарди. «Пахтакор» таркибида эса маҳоратли футболчилар кўп. Шу сабабли жиддий рақобатга киришишимга тўғри келишини англаб турибман. Мақсадим жамоа билан турли мусобақаларда ғолиб чиқишдир.

**Эркин ХОЛБОБО**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 31июлда Муножат Парпиева номига берилган № 1142 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси газетанинг собиқ ходими

**Рафиқ ТУРСУНОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи Равшан Мирзаевга бувиси

**Раҳима ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**BOSH MUHARRIR:**
Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

**MANZILIMIZ:**
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 149
*16201 nusxada bosildi*
*t — Tijorat materiallari*
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 22.00
Topshirilgan vaqti — 23.15
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda